



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
O‘SIMLIKLAR KARANTINI VA HIMOYASI AGENTLIGI

BUYRUQ

“23” 09 2022 yil

416-П -sonli

Toshkent sh.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликни содир этишга ундаш ҳолатлари ҳақида хабар бериш, уларни рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ҳамда уларга қарши курашишдаги ходимларнинг фаол иштироки учун рағбатлантириш тўғрисидаги тартибни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон ҳамда 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони талабларидан келиб, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги тизимида коррупцион омилларга барҳам бериш мақсадида,

Б У Ю Р А М А Н :

1. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарорлари ҳамда 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони талабларига асосан, Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликни содир этишга ундаш ҳолатлари ҳақида хабар бериш, уларни рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ҳамда уларга қарши курашишдаги ходимларнинг фаол иштироки учун рағбатлантириш тўғрисидаги тартиб (кейинги ўринларда - Тартиб) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ички назорат бўлими (И.Рахимов), Кадрлар бўлими (А.Даминов), Қорақалпоғистон Республикаси ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини ва ҳимояси

бошқармалари бошлиқлари, илмий-тадқиқот институти ва тизим бошқа ташкилотларининг раҳбарлари:

Тартибнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини Агентликнинг барча бош бошқарма, бошқарма, бўлим, ҳудудий бўлинмалар ва таркибий ташкилотлари ходимларини эътиборига етказиш чоралари кўрилсин;

Тартибнинг ижроси учун масъул эканликлари белгилаб ўтилсин.

3. Девонхона (Д. Адилова) мазкур буйруқни бош бошқарма, бошқарма, бўлим, ҳудудий бўлинмалар ва таркибий ташкилотларга етказилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқнинг ижроси назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Бош директор

A handwritten signature in blue ink, appearing to read 'И. Эргашев', is written over a horizontal line.

И. Эргашев

Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар
карантини ва ҳимояси агентлигининг
2022 йил “23” сентябрьдаги
416-П- илова

**Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликни содир этишга ундаш ҳолатлари
ҳақида хабар бериш, уларни рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ҳамда уларга
қарши курашишдаги ходимларнинг фаол иштироки учун
рағбатлантириш тўғрисидаги**

ТАРТИБ

1-боб. Умумий қоидалар

Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон ҳамда 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони талабларидан келиб ишлаб чиқилган.

1. Ушбу тартиб Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигида (кейинги ўринларда – Агентлик) коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш ҳолатлари ҳақида хабар бериш, уларни рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ҳамда уларга қарши курашишдаги ходимларнинг фаол иштироки учун рағбатлантиришни белгилайди.

2. Мазкур Тартибда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ваколатли бўлим - коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида келиб тушган мурожаатлар, хабарлар, маълумотларни кўриб чиқиш, рўйхатга олиш ва текшириш ҳуқуқига эга бўлган Агентлик марказий аппаратининг Ички назорат бўлими;

рағбатлантириш - ходимни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва унга қарши курашишдаги фаол иштироки, юксак касбий маҳорати, қонунийлик талабларига риоя этиши ҳамда қасамёдга содиқ бўлиш борасида намуна кўрсатганлиги учун қўллаб-қуватлаш мақсадида тақдирлаш.

2-боб. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш ва унга қарши курашиш

3. Агентлик тизимида фаолият юритувчи ходими (кейинги ўринларда – ходим) қонун ҳужжатларига риоя этиши, ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини беғараз, холисона, виждонан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажариши ҳамда коррупцияга оид бирор-бир ҳуқуқбузарликни содир этишдан ёки бундай ҳуқуқбузарликни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши шарт.

4. Агентлик марказий аппарати ва барча таркибий тузилмалар раҳбарлари коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш учун қуйидаги чораларни кўришлари лозим:

ўзи раҳбарлик қилаётган тизимда коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

қўл остидаги ходимларига коррупция ҳолатларини аниқлашда шахсан кўмак бўлиши;

қўл остидаги ходимларига раҳнамолик (асоссиз рағбатлантириш ва лавозимни кўтариш), шунингдек, ножўя ишларига бепарволик (фаолиятдаги камчиликлар учун чора кўрмаслик, ҳуқуққа зид ҳаракатларга эътибор бермаслик) ҳолатларига йўл қўймаслик;

тармоқ фаолиятини тизимли таҳлил қилиб, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарадиган омилларни аниқлаш ва шарт-шароитлари бартараф этишнинг таъсирчан чораларини кўриб бориш.

Агентлик марказий аппарати ва барча тизим ташкилотлари раҳбарлари ваколат доирасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш юзасидан бошқа чораларни ҳам кўриши мумкин.

3-боб. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш ҳолатлари тўғрисида хабар бериш

5. Ходимларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш мақсадида мурожаат қилинганлиги ҳақида тўғридан-тўғри ваколатли бўлим орқали Бош директор номига ёзма равишда билдирги билан дарҳол хабар берилади.

6. Билдиргида қуйидагилар акс эттирилиши лозим:

ходимнинг хизмат жойи, лавозими, фамилияси, исми ва отасининг исми;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаётган шахсга оид ёки унинг шахсини аниқлашга кўмаклашувчи маълумотлар ва бошқалар;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликнинг моҳияти (мансаб лавозимини суистеъмол қилиш, пора олиш ва бошқа жиноий ҳаракатларни содир этишга ундаш, ҳужжатларни қалбакилаштириш ва бошқалар);

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликка ундаш усули (муайян хизмат ёки моддий қимматликлар таклиф қилиш, ўзига оғдиришга ҳаракат қилиш ва бошқа ҳолатлар);

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик тайёрланаётган, содир этилиши кутилаётган, содир этилган жой;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликка ундаш ҳолати тафсилотлари (телефон алоқа воситаси, суҳбат жараёни, шахсий мулоқот, почта жўнатмаси орқали ва бошқалар).

7. Ходимларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш мақсадида қилинган барча мавжуд материаллар билдиргига илова қилинади ва ўрнатилган тартибда расмийлаштирилади.

8. Ходимларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш мақсадида қилинган барча мавжуд материаллар билдиргига илова қилинади ва ўрнатилган тартибда расмийлаштирилади.

9. Ходим ваколатли бўлимга коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш ҳақида оғзаки хабар бериши мумкин. Бунда билдирги ваколатли бўлим томонидан расмийлаштирилади.

10. Ходимга ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда жисмоний ва юридик шахслардан уларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда муайян ҳаракатни бажариши ёки бажармаслиги эвазига бевосита ўзи ёки воситачи, почта жўнатмаси орқали пул, қимматбаҳо буюмлар, даволаниш ва бошқа шу каби таклифлар билан мурожаат қилинган тақдирда, у ноқонуний хатти-ҳаракатларни тўхтатишни талаб қилиши ҳамда шахсни тегишли жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириши лозим.

11. Ходимнинг огоҳлантиришига қарамасдан пул ёки бошқа моддий бойликларни қонунга хилоф равишда унинг хизмат хонасида ёки бошқа жойда қолдириб кетса, масъул шахслар (қўриқлаш ёки навбатчилик қисми ходимлари) ва бошқа шахслар иштирокида далолатнома тузилади. Ушбу далолатнома билдиргига илова қилинган ҳолда дарҳол раҳбариятга тақдим этилади.

12. Ходимлар хизматдан ташқари ёки иш жойида бўлмаган пайтларида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш ҳолати ҳақида ҳар

қандай алоқа воситаси орқали зудлик билан ваколатли бўлим ходимларига маълум қилади ва бу ҳақида бир сутка мобайнида белгиланган тартибда Агентлик бош директори номига ёзма равишда билдирги билан хабар берилади.

13. Ходимларга нисбатан тайёрланаётган, содир этилиши кутилаётган ёки содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга ундаш ҳолатлари Агентликнинг бошқа бир ходимига маълум бўлса, бироқ, ушбу ходим ваколатли бўлимни ўз вақтида хабардор қилмаса, амалдаги қонунчилик нормаларига мувофиқ жавобгар бўлади.

14. Тайёрланаётган, содир этилиши кутилаётган ёки содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш бўйича олинган маълумотни текшириш ва қонуний тўхтамга келиш учун билдирги ҳамда унга илова қилинган барча ҳужжатлар Агентликнинг муносабат белгиси билан ваколатли бўлимга топширилади.

15. Ходимларнинг хизмат вазифаларини бажариш жараёнида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш ҳолатлари ҳақидаги мурожаатларни рўйхатга олиш, ҳисобини юритиш мақсадида, ваколатли бўлимда коррупцион ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш реестрида (кейинги ўринларда – Реестр) юритилади ва белгиланган тартибда сақланади.

16. Реестр қатъий ҳисобот ҳужжати ҳисобланиб, иш юритиш қоидаларига мувофиқ расмийлаштирилади.

17. Реестрда хабар берган ходимнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишига ундаш ҳолатининг қисқача мазмуни ва тавсифи, моддий ёки мулкый наф кўриш миқдори, ҳолат юзасидан текширув ўтказган ваколатли бўлим, қабул қилинган якуний қарор ҳамда ходимлар томонидан етказилган билдирги рўйхатдан ўтказилади.

18. Ваколатли бўлимнинг билдиргисини қабул қилиш ёки рўйхатга олишдан бош тортишига йўл қўйилмайди.

19. Реестрда хабар қилаётган ходимнинг шахсий ҳаёти ҳақида ошкор бўлган маълумотлар, шахсий ёки оилавий сирларини акс эттириш тақиқланади.

20. Юритилиши тугатилган реестр ўн йил давомида ваколатли бўлимда сақланади ва тегишли тартибда архивга топширилади.

21. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни ҳимоя

қилиш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади ҳамда хабар берган ходимлар тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор этилиши таъқиқланади.

4-боб. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш тўғрисидаги маълумотларни кўриб чиқишни ташкил этиш

21. Билдиргида акс эттирилган маълумотларни текшириш Агентлик бош директорининг топшириғига кўра амалга оширилади.

22. Билдиргида баён этилган маълумотларни кўриб чиқишдан асосий мақсад:

ходимнинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо бериш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундашда иштирок этувчи шахслар доираси ва фактларни аниқлаш;

моддий ёки мулкӣ наф кўриш миқдори, пора олишга ундаш усули ва уни ўз вақтида аниқлаш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш ҳолатининг келиб чиқишини олдини олишга қаратилган чораларни кўриш, ходимлар томонидан ноқонуний ҳаракатлар содир этилишига йўл қўймаслик;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш ҳолатининг ижтимоий хавфлилигини аниқлаш.

23. Текширув жараёнида билдиргида ходимни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш тўғрисидаги белгилар мавжудлиги ўрганилади, шунингдек, мазкур ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш ҳақида хабар берган ходимдан тушунтиришлар олиниши мумкин.

24. Билдиргида баён этилган маълумотлар тегишли тартибда ваколатли бўлим томонидан кўриб чиқилади.

25. Заруриятдан келиб чиқиб, Агентлик бош директори топшириғига кўра, билдиргида баён этилган маълумотларни кўриб чиқилишида ваколатли давлат органлари ҳам жалб қилиниши мумкин.

26. Билдиргида баён этилган маълумотларни текшириш ўн суткадан кечиктирмасдан ҳал қилиниши лозим. Қўшимча текширув ўтказиш зарур ҳолларда билдиргида баён этилган маълумотларни текшириш, Бош директор томонидан бир ойгача узайтирилиши мумкин.

27. Билдиргини кўриб чиқиш натижалари бўйича ваколатли бўлим томонидан хизмат текшируви ўтказилиб, хизмат текшируви хулосаси

ва тўпланган ҳужжатлар назорат тартибида кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилади.

29. Билдиргида оғир ёки ўта оғир жиноят аломатлари аниқланган ҳолларда белгиланган тартибда тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар қилинади.

5-боб. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишини олдини олиш ва унга қарши курашишда фаол иштирок этган ходимларни рағбатлантириш

30. Ходимларнинг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этилишини олдини олиш ва унга қарши курашишдаги фаол иштирокини рағбатлантиришнинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

Агентлик тизимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этилишини олдини олишда ва унга қарши курашишда фаол иштирок этган, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ҳамда бунга имкон берувчи шарт-шароитларини бартараф этиш борасида раҳбариятга асосли таклиф ва ташаббусларни тақдим этган, шунингдек, мазкур соҳани такомиллаштириш бўйича салмоқли илмий ҳисса қўшган, хизмат фаолияти давомида юксак даражада намуна кўрсатган ҳамда ўз зиммасига юклатилган вазифаларни сидқидилдан, виждонан бажарган ходимларни рағбатлантириш;

ходимларнинг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этилишини олдини олиш ва унга қарши курашишдаги фаоллигини янада ошириш.

31. Ходимлар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида мурожаат этиб, ҳуқуқбузарликлар (жиноят)ни олдини олиш, тўхтатиш ва уни тўлиқ фош этишда фаол иштирок этганлиги учун ваколатли бўлим томонидан Агентлик бош директори номига киритилган билдирги асосида рағбатлантирилади. Ходимларни рағбатлантириш Агентлик бош директорининг ваколати доирасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

32. Қуйидаги асослардан бири мавжуд бўлган тақдирда ходимлар рағбатлантирилиши мумкин:

ходимларга нисбатан қасддан содир этилиши режалаштирилаётган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликнинг олди олиниши ёки тўхтатилиши;

тайёргарлик кўрилаётган коррупцияга оид ёки бошқа ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериши натижасида жиноят фош этилиши;

жиноятни тўхтатиши ва уни тўлиқ фош этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга фаол кўмаклашиш;

аҳоли ўртасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги тарғибот ва профилактик тадбирларда фаол иштирок этиши;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имкон берувчи шарт-шароитларини бартараф этиш борасида раҳбариятга таклиф ҳамда ташаббусларини тақдим этилиши, шунингдек, ушбу таклифларни амалиётга жорий этилиши.

33. Ходимни рағбатлантириш, юқори лавозимларга ёки давлат мукофотларига тавсия қилишда унинг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларини олдини олиш ва унга қарши курашдаги фаол иштироки асосий мезон сифатида инобатга олинади.

6-боб. Яқуний қоидалар

34. Мазкур Тартиб талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

